

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМДА ҲАМКОРЛИКДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 5 июнь кунини Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон билан тарих, маънавий яқинлик ва инсоний тақдирлар орқали боғланган Санкт-Петербург шаҳрига яна бир бор ташриф буюриш имконияти учун миннатдорлик билдирди.

Транспорт йўналишларининг ўзгариши, янги ишлаб чиқариш занжирларининг шаклланиши, замонавий технологик платформаларнинг пайдо бўлиши ва сунъий интеллектнинг кенг жорий этилиши билан дунёда кечаётган чуқур трансформация жараёнларига баҳо берилди.

— Рақобат нафақат бозорлар ва табиий ресурслар учун курашда намоён бўлмоқда, балки технологиялар, логистика ва инфратузилма соҳаларида ҳам унинг таъсири сезилмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимиз етакчиси таъкидлаганидек, бугунги шароитда бирлаштирувчи роль ўйнайдиган ва ўз атрофида кооперация, барқарорлик ҳамда ўзаро манфаатдорлик маконини шакллантиришга қодир бўлган давлатлар ва минтақаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Билимлар, маданий ва диний анъаналар бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Шунинг учун ҳам очиқлик биз учун доимо танлов эмас, балки ҳаётий зарурат ва цивилизация коди ҳисобланган, — деди Ўзбекистон Президенти.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Владимир Владимирович! Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон билан тарих, маънавий яқинлик ва инсоний тақдирлар орқали боғланган Россиянинг маданий пойтахти — Санкт-Петербург шаҳрида бугун яна бир бор бўлиб турганимдан гоё хурсандман.

Ўзгармоқда, янги ишлаб чиқариш занжирлари шаклланиши, замонавий технологик платформалар пайдо бўлиб, барча соҳаларда сунъий интеллект жорий этилмоқда.

Самарқанд, Бухоро ва Тошкент орқали нафақат маҳсулотлар ташилган, балки гоё ва билимлар, маданий ва диний анъаналар бир-бирини ўзаро бойитиб келган.

зарур. Бу ўринда нафақат анъанавий транспорт-логистика ва энергетика йўлакларини бирлаштириш, балки рақамли, тўлов ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини интеграция қилиш ҳақида ҳам сўз бормоқда.

Икки давлат ҳудудлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда. Бу жараёнга бизнинг асосий ҳамкорларимиз — Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Москва ва Ленинград вилоятлари, Татаристон ва Бошқирдистон, Красноярск ва Перм ўлкалари, шунингдек, Россиянинг бошқа кўпلىк ҳудудлари фаол жалб қилинган.

➤ Давоми 2-бетда

УРГУТ

Ислоҳотлар остонаси

Ўйлаб қарасам, саёҳат ва фалсафанинг умумий жиҳатлари жуда кўп — ҳайратланиш, атрофимиздаги дунёни, умуман, унинг қонуни ва моҳиятини тушуниш ва билиш истаги. Олдин ҳам, ҳозир ҳам ҳайрат туйғуси одамларни тафаккурга ундаган. Мавжудлик ҳар доим

— ЯНГИЛАНАЁТГАН ВАТАН ТИМСОЛИНИНГ ҲАЁТБАХШ ИНЪИКОСИ

Улкан новот бўлақларини эслатувчи тоғларни томоша қилиб кетарканман, сафар моҳияти хусусида мушоҳада юриштишга уриндим. Умуман олганда, инсоният тарихини карвон йўллари ривожланиши, муқаддас жойларга зиёрат қилиш, ҳадсиз уммон-уденгизларни кемаларда кезиб ўтиш, янги ерларнинг кашф этилиши йилномаси десак нотўғри бўлмайди. Қай бир мутафаккирнинг ҳаётини ўрганманг, барчаси дунёни билиш, ҳақиқатни излаш учун узоқ сафарларга чиққан.

индивидуал ҳаёт бўлиб, шахснинг умрини ташкил этувчи умидлар, интилишлар, тажрибалар билан тўла. Инсон айнан мавжуд ҳаётини вазиятларнинг чегараларидан ташқарига чиқиш қобилияти туфайли ўзини англайди. Янги йўллар, тасодифий учрашувлар ва бошқа ҳолатлар ўзининг кашф қилиш учун ниҳоятда зарур.

Саёҳат одамларнинг ҳаётини тажрибасини бойитиб, бошқа маданиятлар оламига киришига имкон беради. Сафар орқали инсон ўзининг одатий яшаш тарзидан фарқ қилаётган "бошқа"нинг ажралмас имкониятларини ҳис этади.

➤ Давоми 3-бетда

"Абитуриент — 2026"

ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Ёшлар камолотида ҳал қилувчи фурсат

Шу йил 5 июндан мамлакатимиздаги олий ва касбий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар қабули бошланди. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майдаги "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармониغا мувофиқ, бу йил ҳам ОТМлар бакалавриятга қабул жараёни икки босқичда — "Аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ ўтказилади.

➤ Давоми 2-бетда

Иқтисодийимиз ҳажми 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга ошди, жорий йил эса 8 фоиздан юқори ўсишни прогноз қилмоқдамиз. Ислохотлар бошланганидан буён мамлакатимизга 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб қилинди, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Товар ва хизматлар экспорти қарийб 3 баробар ошди.

Халқаро иқтисодий форумда ҳамкорликда барқарор ривожланиш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилади

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг асосий йўналишларини таҳлил қилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳудудлараро алоқалар, саноат кооперацияси ҳамда энергетика соҳасидаги шериклик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ва Россиянинг технологик ҳамда саноат кооперациясини янада кенгайтириш мақсадида ягона рақамли платформа билан бириктирилган ишлаб чиқариш кластерлари тизими — “Евроосиё технологик саноатлаштириш камари”ни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилади.

Иш ўринлари яратишга, логистика, тўлов хизматлари ҳамда янги экспорт имкониятларининг ривожланишига хизмат қилувчи рақамлаштириш соҳаси ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши сифатида белгиланди.

Рақамли савдо ва шаҳар сервисларини тартибга солиш қондаларини яқинлаштириш, Ўзбекистон ва Россия брендларини ҳамкорликдаги платформаларда илгари суриш, сунъий интеллект асосида маҳсулотларни ривожлантиришни ўзида қамраб олган қўшма Рақамли экотизимни шакллантиришга киришиш тақдир этилди.

Ўзбекистон дунёнинг ёшлари энг кўп мамлакатларидан бири эканини ҳисобга олиб, вазифаси таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат бўлган Инсон капиталини ривожлантириш қўшма онлайн-платформасини яратиш ташаббуси илгари сурилади.

Хамкорликнинг маданий-гуманитар йўналишини янада муостаҳкамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербургга” креатив-туристик йўлга қўйишга ишга тушириш ҳам тақдир этилди. Ушбу ташаббус санъат ва кино фестиваллари, музей кўргазмалари, гастрономия ҳафталиклари ва мусиқий тадбирларни биргаликда ташкил этишни назарда тутди.

Бошланиши 1-бетда

Рўйхатдан қандай ўтилади?

Олий таълим, фан ва инновациялар ваазирлиги маълумотига кўра, биринчи босқичда абитуриентлар ҳар йилгидек 5 июндан 25 июнга қадар (шу куни ҳам) тест синови топшириш учун Билимини баҳолаш агентлигининг yuz.bmb.uz сайтида онлайн рўйхатдан ўтади. Бунинг учун “Рўйхатдан ўтиш” ойнасига абитуриентнинг паспорт серияси ва рақами, шахсий идентификация рақами, телефон рақами, парол, такрорий парол ҳамда арифметик ифоданинг қиймати (4+5 = 9) ёзилади. Шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга розилик билдирган ҳолда “Рўйхатдан ўтиш” тумаси босилади. Шундан сўнг абитуриентнинг телефон рақамига СМС хабар юборилади. Ундаги 5 хонали рақам дастурга киритилиб, маълумотлар тасдиқланади. Агар абитуриент ушбу сайтда олдин рўйхатдан ўтган, яъни такрор ҳужжат топшираётган бўлса, “Кириш” бўлимига телефон рақами, парол ва арифметик ифода қийматини киритган ҳолда шахсий кабинетга кириши мумкин. Шунингдек, шахсий кабинетга One ID тизими орқали кириш имкони ҳам мавжуд. Олий ва касбий таълим ташкилотларига қабул бўлимига кириб, “Хизматдан фойдаланиш” тумаси босилади. Абитуриентнинг доимий яшаш манзили Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот тизимидан олинди. Абитуриентнинг яшаш манзили автоматик шаклланмаган бўлса, ўзи тўлдиради.

“Тугатган таълим муассасаси” ойнасидан абитуриент таъмолаган таълим муассасасини жойлашган ҳудуд, муассасаси тури, номи ҳамда тугатган йили танланиб, ҳужжат серияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Амалга оширилаётган ҳудудлараро лойиҳалар ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этади, яна 5 миллиард долларлик инвестициялар пакети тайёрланмоқда. Ўзаро ҳамкорлик барча муҳим соҳаларни, жумладан, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларни қамраб олмақда. Лойиҳалар қаторида Ўзбекистоннинг бешта ҳудудидан қўшма саноат парклари ва Тошкентда ташкил этилган қўшма вагонсозлик кластери алоҳида эътиборга лойиқдир.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Инвестиция лойиҳалари, жумладан, Россия иштирокидаги лойиҳалар ҳисобидан биз электр энергияси ишлаб чиқаришни бир ярим баробар — 58 миллиард киловатт-соатдан 87 миллиард киловатт-соатга оширдик. 2030 йилгача генерацияни 120 миллиард киловатт-соатгача кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Унинг 54 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил этади.

Бизнинг энергетика соҳасидаги қувватларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда Россия иштирокида биринчи гибрид атом электр станциясини қўшишга туширилиши ҳисобидан ҳам ортади. Кеча биз Владимир Владимирович билан АЭС қурилишининг биринчи пойдеворини қўйиш маросимида қатнашдик. Биз учун бу узоқ муддатли ривожланиш, янги муҳандислик мактабини тайёрлаш ва илгор технологияларни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳадир.

Атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича бошқа соҳалар — тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат ва илм-фанда ҳам ҳамкорликда иш олиб бориш ниятидадим.

Ўзбекистонда хорижий олийгоҳларнинг 32 та, жумладан, Россия олий таълим муассасаларининг 15 та филиали фаолият юритмоқда. Бу Россиянинг хориждаги энг йирик университетлар тармоғи ҳисобланади.

Шу билан бирга, касбий таълим, айниқса, амалиётга йўналтирилган кадрлар тайёрлаш дастурлари жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бу борада аллақачон муваффақиятли мисоллар бор. Олмалиқ ва Тошкентда биринчи қўшма муҳандислик мактаблари ишга туширилди.

Онлайн таълим сервислари маъзур соҳадаги самарали ҳамкорлик механизми бўлиши мумкин. Бундай сервисларнинг ишга туширилиши ёшларга хатто энг чека ҳудудларда ҳам зарур билимларни олиш имконини беради. Бу меҳнат мобиллиги моделини тубдан ўзгарилади ва уни ташкил этишни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади.

Шу муносабат билан биз Инсон капиталини ривожлантириш қўшма онлайн-платформасини яратишни тақдир этишимиз. Унинг вазифаси — таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат.

Ушбу тизимда таълим дастурлари, тил ўргатиш ва ахборот технологиялари курслари, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва иш берувчилар билан боғланиш имкониятлари бириктирилиши мумкин.

Ёшлар учун бу янги иқтисодийёт сари аниқ-равшан йўналиш бўлади. Бизнес учун тайёр кадрлар базасидан фойдаланиш имкониятидир. Университетлар ва коллежлар учун бозорнинг реал талаби билан алоқа воситасидир.

Ўзбекистон ва Россия учун эса энг олий кадрият бўлган инсонларга узоқ муддатли сармоядир. Агар ҳурматли Владимир Владимирович ушбу ташаббусни қўллаб-қувватласа, соҳавий идораларимизга бундай платформани имкон қадар тезроқ ишга тушириш вазифасини топираимиз.

Ҳамкорлигимизнинг гуманитар асоси сифатида туризми алоҳида кўрсатиб ўтишни истар эдим. Ушбу тармок ишонч иқтисодийётни ҳаммадан кўра ахшироқ шакллантиради.

Одамлар Ўзбекистонга келар экан, нафақат тарихий ёдгорлик ва шаҳарларни, балки

мамлакатлар билан технологик ҳамкорлик учун очикдир. Масалан, Россия маркетплейслари ва рақамли сервислари орқали маҳсулотларимиз савдоси ҳажми сўнгги бир неча йилда 3,5 баробар ўсди, бир ярим миллиард доллардан ошди.

Ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида қўшма Рақамли экотизимни шакллантиришга киришишни тақдир этишимиз. Илк босқичда у рақамли савдо ва шаҳар сервисларини тартибга солиш қондаларини яқинлаштириш, Ўзбекистон ва Россия брендларини ҳамкорликдаги платформаларда илгари суриш, бандлик бўйича ягона рақамли профилни яратиш, сунъий интеллект асосида маҳсулотларни ривожлантиришни ўзида қамраб олиши мумкин. Бу бизнес учун янги бозорлар, фуқаролар учун эса даромад топишда қўшма имкониятлар яратди.

Айни пайтда рақамлаштиришни кенг қўллашга интилар эканмиз, ҳар қандай ўзгаришлар негизда доимо инсон туришини ёдда тутиш муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг энг ёш мамлакатларидан бири бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Бу шунақа оддий статистика эмас. Бу — ривожланиш учун қувват, энергия манбаи. Бу — янги талаб. Бу — бизнинг келажагимиз.

Шу билан, бизнинг вазифамиз фақат ёшларга замонавий билим беришдан иборат эмас. Ёшлар олий компетенцияларни ўзлаштириши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун имкон берадиган шароитларни яратиш муҳимдир. Бу ўринда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистонда хорижий олийгоҳларнинг 32 та, жумладан, Россия олий таълим муассасаларининг 15 та филиали фаолият юритмоқда. Бу Россиянинг хориждаги энг йирик университетлар тармоғи ҳисобланади.

Шу билан бирга, касбий таълим, айниқса, амалиётга йўналтирилган кадрлар тайёрлаш дастурлари жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бу борада аллақачон муваффақиятли мисоллар бор. Олмалиқ ва Тошкентда биринчи қўшма муҳандислик мактаблари ишга туширилди.

Онлайн таълим сервислари маъзур соҳадаги самарали ҳамкорлик механизми бўлиши мумкин. Бундай сервисларнинг ишга туширилиши ёшларга хатто энг чека ҳудудларда ҳам зарур билимларни олиш имконини беради. Бу меҳнат мобиллиги моделини тубдан ўзгарилади ва уни ташкил этишни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади.

Шу муносабат билан биз Инсон капиталини ривожлантириш қўшма онлайн-платформасини яратишни тақдир этишимиз. Унинг вазифаси — таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат.

Ушбу тизимда таълим дастурлари, тил ўргатиш ва ахборот технологиялари курслари, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва иш берувчилар билан боғланиш имкониятлари бириктирилиши мумкин.

Ёшлар учун бу янги иқтисодийёт сари аниқ-равшан йўналиш бўлади. Бизнес учун тайёр кадрлар базасидан фойдаланиш имкониятидир. Университетлар ва коллежлар учун бозорнинг реал талаби билан алоқа воситасидир.

Ўзбекистон ва Россия учун эса энг олий кадрият бўлган инсонларга узоқ муддатли сармоядир. Агар ҳурматли Владимир Владимирович ушбу ташаббусни қўллаб-қувватласа, соҳавий идораларимизга бундай платформани имкон қадар тезроқ ишга тушириш вазифасини топираимиз.

Ҳамкорлигимизнинг гуманитар асоси сифатида туризми алоҳида кўрсатиб ўтишни истар эдим. Ушбу тармок ишонч иқтисодийётни ҳаммадан кўра ахшироқ шакллантиради.

Одамлар Ўзбекистонга келар экан, нафақат тарихий ёдгорлик ва шаҳарларни, балки

маданиятни, меҳмондўстлик, ишбилармонлик муҳити ва бизнес учун имкониятларни ҳам кўради. 2025 йилда бизнинг мамлакатимизда қарийб бир миллион россиялик меҳмон бўлди, бу йил эса биз янада кўпроқ сайёҳни қабул қилишга тайёрмиз. Бунинг учун нафақат туристик инфратузилмани, балки креатив иқтисодийётни ҳам ривожлантиряймиз. 2030 йилга бориб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5 фоизни ташкил этади. Бу эса ушбу иқтисодий соҳани иқтисодий ўсишнинг драйверларидан бирига айлантиради.

Ҳамкорлигимизнинг маданий-гуманитар йўналишини муостаҳкамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербургга” креатив-туристик йўлга қўйишга ишга туширишни тақдир этишимиз. Ушбу ташаббус санъат ва кино фестиваллари, музей кўргазмалари, гастрономия ҳафталиклари ва мусиқий тадбирларни биргаликда ташкил этишни назарда тутди.

Кеча Марининский театри ва “Эрмитаж” давлат музейида Ўзбекистон маданияти ва санъати-га доир лойиҳалар бошланди.

Хурматли форум иштирокчилари!

2026 йил мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз тизимли ислохотларнинг муҳим маррасига яқинлашмоқдамиз. Бундан ўн йил олдин очикдик, инклюзивлик ва прагматизмга таянган ҳолда, Янги Ўзбекистонни барпо этишни бошлаган эдик. Ўтган даврда узоқ муддатли ўсиш учун муостаҳкам асос — қулай ишбилармонлик муҳити, барқарор саноат базиси ва янги инфратузилма яратилди.

Иқтисодийимиз ҳажми 50 миллиард доллардан 147 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб қилинди, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Товар ва хизматлар экспорти қарийб 3 баробар ошди.

Ўзбекистон хатто ҳозирги глобал бекарорлик шароитида ҳам барқарор ўсиш динамикасини намойиш этмоқда. Иқтисодийимиз янада кўп қиррали бўлиб бормоқда, ички бозор кенгаймоқда, замонавий технологиялар, инфратузилма ва сифатли иш ўринларига талаб ортмоқда.

Ёш, фаол ва тез ўсиб бораётган аҳоли Ўзбекистоннинг муҳим устуниликларидан биридир. Бу тадбиркорлик, технологиялар, сервислар ва саноатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли базасидир.

Аммо демографик ўсиш ўз-ўзидан муваффақиятнинг кафолатламайдир. Бу салоҳиятни кучли интеллектуал ресурс — компетенцияларга, унутдорликка, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ва технологиялар яратиш қобилиятига айлантиришимиз керак.

Биз ислохотларимизнинг илк даврида ноқдор бозор самарадорлиги ва ижтимоий масъулиятни уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб келишимиз. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш моделининг ўзига хослиги айнан шу жиҳат билан белгиланади. Ўсиш нафақат тез суръатларда, балки барқарор, инклюзив ва одамларнинг ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Фақат сўнгги 5 йилда аҳолининг умумий даромадлари 2,5 баробар ошди. Биз учун асосий мезон бу юқори ҳаёт сифати, инсон қадр-қиммати ва ҳар бир одамнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси айнан шу мақсадга эришишга хизмат қилади. Ушбу даврга қадар биз аҳоли даромадларини ўртачадан юқори даражага кўтариш, барча соҳаларни технологик ва инновация ўсиш моделига ўтказиш, иқтисодийёт ҳажминини яна бир ярим баробар — 240 миллиард доллардан кўпроққа ошириш ниятидадим.

Хурматли форум иштирокчилари! Ўзбекистонда глобал инвестициялар учун барча шарт-шароитлар изчил шакллантирилмоқда. Қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда, бозор институтилари тақомиллаштирилмоқда, рақобат даражаси ва ишлаб чиқариш салоҳияти ортмоқда.

Ушбу форумда иштирок этаётган инвесторларни юқори қўшимча қийматли янги саноат закирларини яратишга тақдир этишимиз.

Компетенцияларни, ишлаб чиқариш ва ишланмаларни чуқур маҳаллийлаштириш, шунингдек, замонавий инжиниринг ва янги экспорт йўналишларини ривожлантириш бизнинг устувор вазифамиздир. Бу бугунги кунда саноат усулида қайта ишлаш, агротехнологиялар, биокимё, робототехника, рақамли ечимлар ва сунъий интеллект каби янги иқтисодийёт шаклланаётган соҳаларда айниқса муҳимдир.

Энергетика, авиация, таълим, геология ва бошқа кўлаб соҳаларда давлат-хусусий шериклик тамойили шаклида амалга оширилаётган лойиҳаларда биз ҳамкорлик учун катта салоҳиятни кўрмоқдамиз.

Манфаатдор шерикларимизга нафақат ўсиб бораётган ички бозоримиз, балки чизки мамлакатлар ва минтақаларга тўғридан тўғри чиқиш имкониятини ҳам тақдир этишимиз.

Авиз дўстлар! Ўзбекистон глобал ишбилармонлар ҳамжамияти учун ишончли ва барқарор мамлакатдир. Иқтисодийимизнинг юқори даражада очикдик сари ҳаракат қилаётгани еттиқчи рейтинг агентликлар томонидан ҳолис тасдиқланмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида мамлакатимиз Иқтисодий эркинлик индексида яна 14 поғона юқори кўрилди.

Сўнгги йилларда биз халқаро бозорларга 16 миллиард долларлик суверен ва корпоратив облигацияларни жойлаштирдик. Ўтган ойда Лондон фонд биржасида энг йирик давлат компанияларининг активларини бириктирган Ўзбекистон Миллий инвестиция фондининг акциялари биринчи мартабо оммавий савдога чиқарилиди.

Капитал бозорини янада ривожлантириш, барқарор молиявий ва инвестициявий платформани шакллантириш мақсадида энг яхши стандартлар асосида ишлайдиган Тошкент халқаро молия марказини ташкил этишга киришдик. Марказнинг махсус ҳуқуқий макомга ва солиқ имтиёзларига эга экани инвесторларга бизнес юртиши учун қулай восита ва ишончли кафолатларни тақдим этади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни 16-18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумига тақдир этишимиз. Ушбу анжуман доирасида Янги Ўзбекистоннинг янги имкониятлари ва истиқболлари билан бевосита танишиш мумкин бўлади.

Хонимлар ва жаноблар! Албатта, бугунги форумнинг “Прагматик мулоқот — барқарор келажақ сари йўл” деган шiori рамзий маънога эга. Чиндан ҳам айнан очик ва ўзаро хурматга асосланган мулоқот ҳозирги кунда барқарор ривожланишнинг асосий шартига айланмоқда. Ишонч, ҳамкорликка тайёрлик ва биргаликда ечим излашга интилиш бор юқори янги имкониятлар пайдо бўлади. Ўзбекистон ва Россия шериклиги бундай ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Россия Федерацияси Президентини, хурматли Владимир Владимирович Путинга ушбу кенг қўламли халқаро форумга тақдир этигани ҳамда Янги Ўзбекистон тараққийётининг устувор йўналишларини тақдим этиш имкониятини яратгани учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдиринаман.

Сўзимнинг якунида барча иштирокчиларга самарали фаолият юритишлари ва қизқарлик фикр алмаштиришлари тилаймман.

“Қабул — 2026” штаби фаолияти йўлга қўйилди

Иккинчи босқичда абитуриентлар кириш имтиҳонлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида yuz.bmb.uz сайти орқали олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши, таълим шакли, танлов устуворлигини танлайди. Бунда у ўзи жамгарган балларни таҳлил қилиши, шунга кўра 5 тагача таълим йўналишини танлаши мумкин. 5 та сертификат олиб, муддатидан олдин талаба бўлганлар ҳам сертификатнинг умумий балидан келиб чиқиб танлайди. Таълим йўналишларини битта ёки бир неча ОТМ доирасида танлаш ҳам мумкин. Масалан, тиббиёт йўналишидаги олийгоҳни оласан. Абитуриент ўқини ятаётган 5 та йўналиш шу олийгоҳнинг ўзида бўлиши мумкин. Бўлмаса, бошқа ОТМлардан танлайди.

Олийгоҳларга кириш имтиҳони июль-август ойларида ўтказилади. Абитуриент тест синовида неча балл тўплаганини имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига билиши мумкин. Унинг талабалikka тасвися этилгани ёки этилмагани қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланганидан кейин бир ҳафта муддатда Билимини баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Техникумларда ўқини истагани билдирган абитуриентлар олийгоҳларга қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун муддатда неча балл тўплаганини имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига билиши мумкин. Унинг талабалikka тасвися этилгани ёки этилмагани қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланганидан кейин бир ҳафта муддатда Билимини баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Айни пайтда абитуриентлар ва ота-оналарга қулайликлар яратиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар ваазирлиги ҳамда барча олий таълим ташкилотларида “Қабул — 2026” штаби фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, фуқаролар ваазирлигининг 1006, агентликнинг 1195 ишонч телефони ёки @Eduuz.UzbekBotга мурожаат қилган ҳолда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин.

Муножат МўМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Абитуриент — 2026” ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Ёшлар камолотида ҳал қилувчи фурсат

Бошланиши 1-бетда

Рўйхатдан қандай ўтилади?

Олий таълим, фан ва инновациялар ваазирлиги маълумотига кўра, биринчи босқичда абитуриентлар ҳар йилгидек 5 июндан 25 июнга қадар (шу куни ҳам) тест синови топшириш учун Билимини баҳолаш агентлигининг yuz.bmb.uz сайтида онлайн рўйхатдан ўтади. Бунинг учун “Рўйхатдан ўтиш” ойнасига абитуриентнинг паспорт серияси ва рақами, шахсий идентификация рақами, телефон рақами, парол, такрорий парол ҳамда арифметик ифоданинг қиймати (4+5 = 9) ёзилади. Шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга розилик билдирган ҳолда “Рўйхатдан ўтиш” тумаси босилади. Шундан сўнг абитуриентнинг телефон рақамига СМС хабар юборилади. Ундаги 5 хонали рақам дастурга киритилиб, маълумотлар тасдиқланади. Агар абитуриент ушбу сайтда олдин рўйхатдан ўтган, яъни такрор ҳужжат топшираётган бўлса, “Кириш” бўлимига телефон рақами, парол ва арифметик ифода қийматини киритган ҳолда шахсий кабинетга кириши мумкин. Шунингдек, шахсий кабинетга One ID тизими орқали кириш имкони ҳам мавжуд. Олий ва касбий таълим ташкилотларига қабул бўлимига кириб, “Хизматдан фойдаланиш” тумаси босилади. Абитуриентнинг доимий яшаш манзили Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот тизимидан олинди. Абитуриентнинг яшаш манзили автоматик шаклланмаган бўлса, ўзи тўлдиради.

“Тугатган таълим муассасаси” ойнасидан абитуриент таъмолаган таълим муассасасини жойлашган ҳудуд, муассасаси тури, номи ҳамда тугатган йили танланиб, ҳужжат серияси

ва рақами ёзилади. Агар абитуриент тугатган таълим муассасаси дастурда мавжуд бўлмаса, муассаса туридан “Бошқа ўқув юрти” танланиб, муассаса номи ёзма киритилади. Жорий йилги битирувчиларнинг маълумоти тегишли ваазирлик ва идоралардан реал вақт режимида олингани боис, улар тугатган таълим муассасаси бўйича маълумотларни киритмайди.

Ариза топшириш бўлимида оферта билан танишиб тасдиқлагандан сўнг тест топшириладиган ҳудуд ва таълим тили, сўнг тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси танланади. Агар абитуриент фақат тест синовида иштирок этадиган бўлса, фанлар мажмуаси, таълим тили, тест топшириш ҳудуди танланади. 2026/2027 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишлари ва уларга мос тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон) топшириладиган фанлар мажмуаси тасдиқланди, 227 та йўналиш мавжуд.

Абитуриент танлаган фанлар мажмуасида чет тили бўлса, тегишли чет тили ҳам танланиши лозим. Агар фанлар мажмуасида касбий (ижодий) имтиҳон мавжуд бўлса, таълим тили, тест топшириш ҳудуди, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналиши, касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган олийгоҳ танланади.

Фанлар мажмуаси танланганидан сўнг ушбу фанлар мажмуасига мос таълим йўналишлари рўйхати билан танишиш мумкин. “Сақлаш” тумаси босилганидан сўнг маълумотларни тасдиқлаш учун абитуриентнинг телефон рақамига СМС хабар юборилади. СМС хабардаги кодни дастурга киритиш орқали маълумотлар тасдиқланади. Шундан сўнг абитуриентнинг қайд варақаси шаклланади. Варақада унинг



шахсий маълумотлари, имтиҳон маълумотлари, имтиёзлари, абитуриентларга елсамта ва абитуриент рўйхати олинган вақт акс этган бўлади. “Юқлаб олиш” тумаси орқали абитуриент қайд варақасини юқлаб олиши мумкин.

Кимлар имтиҳон топшириш учун пул

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Ислохотлар остонаси

УРГУТ

– ЯНГИЛАНАЁТГАН ВАТАН

ТИМСОЛИНИНГ ҲАЁТБАХШ ИНЪИКОСИ

“Гегелнинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши қонуниятини эсласак, инсон ҳаётидаги ҳар бир яхши янгилик тўпланиб бориб, пировардида бутун жамиятнинг тафаккурини ижобий томонга ўзгартиради. Ургутда ана шундай тўлқин аллақачон бошланган.

Бошланиши 1-бетда

Ургутга қараб йўл олган поезд менга ана шу ҳиссиётни тақдим этди. Катта кичик ургутликнинг сўзига қўлоқ тутарканман, ҳамма Президентимиз Ургутга келгани ва жуда катта бунёдкорлик ишлари бошлангани, йирик дастурларни амалга оширишга киришилганини айтади. Бир пайтлар ишсизлик энг катта муаммо бўлган Ургутдаги ушбу руҳий юксалиш қачон пайдо бўлди экан? Қайси кундан бошлаб Ургутда бекорчи одамнинг топши қийин бўлиб қолди? Қандай қилиб ургутликларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари катталашиб, ижтимоий тус олди?

Гегелнинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши қонуниятини эсласак, инсон ҳаётидаги ҳар бир яхши янгилик тўпланиб бориб, пировардида бутун жамиятнинг тафаккурини ижобий томонга ўзгартиради. Ургутда ана шундай тўлқин аллақачон бошланган.

— Ургут катта салоҳиятга эга ҳудуд сифатида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани рости. Бу ердаги аҳоли ишбилармон, тадбиркорлик кайфияти кучли, — дейди “Шаҳар атрофида йўловчи ташиш” МЧЖ Самарқанд бўлинмаси бошлиғи, поезд жамоалари йўриқчиси Бекзод Мамарасулов. — Мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бундай ҳудудларни ривожлантиришда эса замонавий логистика ва инфратузилма хал қилувчи омил. Янги темир йўл ётқизилиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни чеклаб турган тўсиқлар, логистик “тромб”лар бартараф этилди, юк ташиш тезлашди.

Темир йўл транспорти замонавий транспорт тизимида стратегик аҳамиятга эга. У юқори ташиш снгиими, узок масофаларда нисбатан паст таннарх ҳамда экологик барқарорлик каби устуун жиҳатлари билан ажралиб туради. Айниқса, аҳоли ва саноат юкларини катта ҳажмда ташиш имконияти темир йўлнинг миллий ва минтақавий иқтисодиётдаги муҳим инфратузилма сифатидаги аҳамиятини оширади. Транспорт тизимининг бошқа турлари билан солиштирилганда, темир йўл транспорти энергия тежамкорлиги ва атмосферага чиқариладиган зарарли газлар миқдори камлиги билан атраф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам муҳим.

Ўзбекистон шариоитида темир йўл транспортининг аҳамияти янада ортади. Чунки мамлакатнинг географик жойлашуви ва денгиз портларига тўғридан тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги ташқи ва ички савдо алоқаларида темир йўл транспортининг асосий логистика воситаси сифатидаги аҳамиятини оширади. Саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва тайёр товарларнинг ички ҳудудлар ҳамда халқаро бозорлар ўртасида ҳаракатланиши асосан темир йўл инфратузилмаси орқали амалга оширилади. Шу сабабли, темир йўл транспортининг самарадорлиги бевосита мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади.

— Нега Ургутга поезд қўйилганини энди тушунишимиз? Туманининг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланиб, тадбиркорлик муҳити янада фаоллашяпти, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига туртки берилмоқда,



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

— дея қўшимча қилади Бекзод Мамарасулов. — Ургут Самарқанд вилоятининг энг катта туманларидан, 600 мингга яқин одам истиқомат қилади. Илгари Ургутдан Самарқандга фақат автомобиль ва автобуслар катнардди. Янги темир йўл сабаб йўловчилар учун тезкор ва хавфсиз транспорт хизмати йўлга қўйилди. Лойиҳа 9 ойда амалга оширилиб, Зарафшон дарёси бўйлаб умумий 55 километрли темир йўл ётқизилди. Ишлар халқаро талаб ва стандартлар асосида бажарилди. Лойиҳа доирасида 2 та кўприк, 110 та сунъий ишоот, 13 та йўл кесимчаси қурилди ва 58 километрдан ортиқ оптик тола линияси қўйилди ҳам ётқизилди. Жаргана қишлоғи ва Ургут тумани марказида вокзал бинолари барпо этилди.

Кўпчилик яхши билади: Ургутда катта саноат зонаси бор. У ерда миллий бренддаги энг замонавий маҳсулотлар ишлаб



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

чиқарилади. Шу жиҳатдан темир йўл йўналишида нафақат йўловчи, балки юк ташиш суръати ҳам ошади. Маълумотларга кўра, янги темир йўл орқали йилга 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имконияти мавжуд. Мазкур йўналишда иккита шаҳарлараро йўловчи поездеи ҳамда тўққизта юк поездеи қатновга қўйилган. Бу Ургут иқтисодиёти, саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги учун катта имкониятдир.

Илгари Ургут аҳолиси Самарқанд шаҳридаги Зарафшон кўмири омборхонасида соатлаб навбатда турар, транспорт хизмати харажатлари учун ўртача бир миллион сўмдан 1,5 миллион сўмгача сарфланар эди. Темир йўл ишга тушиши ва 2 та темир йўл бекати барпо этилиши натижасида 48 та вагонда

3300 тоннадан ортиқ кўмир тўғридан тўғри тумандаги омборхоналарга туширилиб, икки мингдан зиёд хонадонларга етказиб берилди. Бундан маҳаллий аҳоли транспорт хизмати харажатларининг ўзидан 1 миллиард 622 миллион сўм иқтисод қилди, соатлаб навбатда турган одамларнинг сарсонгарчилигига чек қўйилди.

Туманга олиб келинадиган юклар Жомбой, Самарқанд, Зарафшон темир йўл станцияларида туширилиб, автомобилларга юклар, сўнг Ургутга етказиларди. Ҳозир юклар темир йўл орқали тўғридан тўғри Ургут туманининг ўзига етиб борапти. Бу орқали транспорт харажати қанча тежалаётганини тадбиркорлар дарров ҳисоблай олади. Қолаверса, энди қўшни Тожикистондан юртимизга келадиган қардошларимиз Жаргана вокзали орқали Ургутга ёки Самарқанд шаҳрига етиб олиши мумкин. Бу ички туризм ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, Ургутга темир йўл тортилиши шунчаки иқтисодий ёки инфратузилмадаги янгилашни эмас, балки одамлар турмуш тарзи, ниятлари рўёби билан боғлиқ масала. Чунки мазкур темир йўл туман аҳли, айниқса, тадбиркорларнинг орузи эди. Бу ҳақда катта-кичик давраларда айтилар, аммо маблағ масаласи юзга чиққанда режа ортга сурилиб, орзу орзулигича қолаверарди.

Бугун Ургутга поезд боранига одамларнинг ўзи ҳам ишона олмаётти. Менга ҳамроҳлик қилиб келган Мирзохид аканинг ҳолатидан буни пайқаш қийин кечмади.

— Ургут бугун ниҳоятда ўзгариб, ислохотлар марказига айланганидан халқимиз

жуда хурсанд, кайфияти аъло даражада. Айниқса, Президентимизнинг туманимизга ташрифидан сўнг одамларимизда янги куч-ғайрат, жўшқилик пайдо бўлди, — дейди Ургут тумани ҳокимининг ахборот хизмати раҳбари Мирзохид Ваҳобов. — Ўтган йили 25 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Ургутга янги темир йўлда поезд билан келиб, йўл давомида кейинги йилларда вилоятимиз, жумладан, Ургутда қилинган ишлар ҳақида гапириб, бу ишлар кўлами янаам кенгайишини айтган эди. Мамлакатимиз етакчисининг ташаббуси билан бундан саккиз йил олдин “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши туманимизда тадбиркорлик, саноатни янада ривожлантиришга имконият яратди. Бу ерда 1500 га яқин катта-кичик корхона

фаолият юритмоқда ва бу завод-фабрикаларда минглаб ургутликлар ишламоқда. Ургут туманида янги давр бошланган. Келгуси режалар бугунгидан-да катта.

Туманда 100 минг кишига мўлжалланган янги замонавий экошаҳар барпо этилиши учун “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудидан қўшимча 90 гектар ер ажратилиб, 12-16 қаватли 173 та уйда 15 минг 500 га яқин хонадон ҳамда ижтимоий ва инфратузилма объектлари: 3 та мактаб, 4 та боғча,

Бешёғоч, Булоқбоши, Гиждувон, Ипак йўли, Мингтепа, Мирзабоғлон, Тинчлик, Тўртқўл ва Чегда аҳолининг яшаш шариоитини яхшилаш ва тадбиркорларга шариоит яратиш учун 27 миллиард сўм йўналтирилди.

Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” сифатида ривожлантириш бўйича Почвон ва Янгиҳаёт маҳаллаларига катта маблағ ажратилган. Ушбу маблағ ҳисобидан 3 километрли пиёдалар йўлига ётқизилди, 180 та тунги ёриткич, 400 та бетон таянч

ошди. Очиғи, шаҳсан ўзим бугунги ўзгаришларни ўттиз йил кутдим. Мана, энди ўз устимизда ишлаш учун шариоит етарли. Ҳали кўп ишлар олинди.

Ургутда тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Иил якунига қадар 23 та объектни реконструкция қилиш ва 770 мутахассисни қайта тайёрлаш режалаштирилган. Бу аҳоли учун тиббий хизматларнинг қулайлиги ва сифатини сезиларли даражада ошириш имконини беради.



2 та оилавий шифокорлик пункти, 1 та клиника, 8 та спорт мажмуаси ва воркаут майдон, ёшлар маркази, экобозор ҳамда 30 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, болалар аттракционлари ва кўнгилозор майдончалар қурилади.

Бундан ташқари, жорий йилда 42 та мактабнинг қурилиш ва реконструкция ишлари якунига етказилиши натижасида 12 минг 800 ўқувчи ўрни очилади. Мактаблар сони 160 тага етказилади. Таълим сифати оширилиб, олий маълумотли 472 кадр иш билан таъминланади.

Айни дамда сув таъминоти мавжуд бўлмаган 5 та маҳаллада — Қўйиқишлоқ, Ипакли, Мингтепа, Тороқли ва Чорчинорда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 5 та сув ишооти қурилмоқда. Таъмиргалаб 5 та оилавий поликлиникада қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилмоқда.

Туризмни ривожлантириш ҳаракати авж паллада. Туманда туризм маданиятини юксалтириш мақсадида Чорчинор маҳалласи ҳудудида туризм ҳудуди ташкил этиш учун 89 гектар ерда 50 миллион долларлик дам олиш масканлари ва дор йўли, Қортепа ва Андак ҳудудидаги 62 гектар майдонда капсула уйллар ва экошаҳарча ташкил этилиши натижасида 30 та тадбиркорлик субъекти, 400 дан ортиқ янги иш ўрни очилди.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу йил 500 гектар майдонда терраса усулида саноатлашган узумзор барпо этилиб, “Узгарост холдинг” компанияси билан биргаликда 50 та артезиан қудуғи қазилиб, ҳар бирининг олдида 15-20 киловаттлик кўш панеллари ўрнатилди ҳамда сув тежовчи технологиялар ўрнатилиб, 600 кишига ажратиб берилди. Шунингдек, инфратузилмаси паст, камбағаллик даражаси юқори 9 та маҳалла —

устун ўрнатилди, 14 километрли электр тармоғи, 10 километрли сув тармоғи тортилди, 2 та артезиан қудуғи қазилди, 2 та болалар спорт майдончаси қурилди ва бошқа хайрли ишлар бажарилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан 16 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди.

Иил давомида 12 минг 300 камбағал оила ушбу ботқоқликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 7,4 фоиздан 2,2 фоизга туширилади. Бунда 10 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланади. Ушбу рақамлар орттида, энг аввало, бир ҳудудда йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий масалаларни тизимли ечими ва ҳудудий мувозанатни тиклашга қаратилган қатъий сиёсий ирода турибди. Бу статистика, режалар, лойиҳалар моҳиятида инсон капиталига тикланган сармоа орқали шаклланаётган интеллектуал салоҳият, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш орқали мустаҳкамланаётган миллат генофонди мужассам.

2025 йил 18 декабрь кунги ташрифидан кейинги йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, ўзига хос мақбара, масжид барпо этилди. Ҳудуд зиёлилари томонидан қишлоқ тарихига оид мўъжаз музей ташкил қилинган. Ундан қишлоқда яшаб ўтган зиёлилар, аҳолининг турмуш тарзи, ҳаётига оид экспонатлар жой олган. Бугунги ёшлар бу ерда ота-болалари қандай шариоитда яшагани, қандай эгу ишлар қилгани ҳақида тушунарга эга бўлди.

Кўрилганлар кўнгилга кўчганда сафар чизмдан ниҳоясига етар экан. Ҳар қарич ердан бараканда ундиратган, шиддат билан ўзгараётган замон билан ҳамнафас, замонавий қиёфаларда янгилаётган Ватан руҳининг бир ниҳкисони, одамлари катта ишларга бел боғлаган кичик маскани илгаш қийин эмас. Самарқанд — Ургут йўналишидаги поездда эса ушбу жараёни кенгроқ мазмунда англаш мумкин.

Мазкур муассасада 13 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатилади. Полклинника зарур ускуналар билан жиҳозланган. У ерда 4 мутахассис фаолият юритмоқда. Бу ерда сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун зарур шариоит яратилган.

Тўлиб-тошиб гапирётган мудирнинг ҳажмониди сўзларида самимий миннатдорлик бор. Қалб кўридаги, ўзи анчадан бери чирмай кўйган топ-тоза меҳрин, шукрини ўзига ярашган ифода билан улашарди.

Бахрини маҳалласидан чиққан, иккила-нишсиз поездда бизни Ғавсул Аъзам зиёратгоҳига тақлиф қилган гўслик отахон олдига йўл олди.

Ургут азалдан азиз авлиёлар, буюк мутафаккирлар тўғилиб ўсган, яшаб ижод қилган муборак замин сифатида дунёга донг таратган. Унинг ҳар бир гўшасида ўзига хослиги билан ажралиб турувчи қадимколлар мавжуд. Улар орасида Ғавсул Аъзам зиёратгоҳи алоҳида ажралиб туради.

Кейинги йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, ўзига хос мақбара, масжид барпо этилди. Ҳудуд зиёлилари томонидан қишлоқ тарихига оид мўъжаз музей ташкил қилинган. Ундан қишлоқда яшаб ўтган зиёлилар, аҳолининг турмуш тарзи, ҳаётига оид экспонатлар жой олган. Бугунги ёшлар бу ерда ота-болалари қандай шариоитда яшагани, қандай эгу ишлар қилгани ҳақида тушунарга эга бўлди.

Кўрилганлар кўнгилга кўчганда сафар чизмдан ниҳоясига етар экан. Ҳар қарич ердан бараканда ундиратган, шиддат билан ўзгараётган замон билан ҳамнафас, замонавий қиёфаларда янгилаётган Ватан руҳининг бир ниҳкисони, одамлари катта ишларга бел боғлаган кичик маскани илгаш қийин эмас. Самарқанд — Ургут йўналишидаги поездда эса ушбу жараёни кенгроқ мазмунда англаш мумкин.

Муносабат

ЭНДИ БИЗНЕСНИ КЕНГАЙТИРИШДАН ҚЎРҚМАЙМИЗ



Ҳаким АЛИМОВ, якка тартибдаги тадбиркор Мирзачўл тумани

Президентимизнинг 2026 йил 26 майдаги “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қўлай иқтисодий ва маъмурий

шарт-шариоитларни яратиш тўғрисида”ги фармони нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳужжат, балки йиллар давомида бизни тўхтаб турган сунъий тўсиқларни парчалаб ташлаган эркинлик нафаси бўлди, десак муболага бўлмайди.

Бир неча йилдан буён якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаман. Ўтган йиллар давомида тадбиркорликнинг нақадар масъулиятли, гоҳида машаққатли, аммо ўз меҳнатинг меvasини кўрган-да олам-олам қувонч бахш этадиган соҳа эканини юракдан ҳис қилдим. Ҳар бир тадбиркор каби менинг ҳам мақсадим иш ҳажмини ошириш, янги мижозлар топиш ва хизмат турини кенгайтириш эди. Бироқ яширишининг ҳожати йўқ, айрим қонуний

чекловлар ва тартиблар сабабли доим эҳтиёткорлик билан қадам босишга, ўз-ўзимизни жиловлашга мажбур бўлардим.

Аваллари йиллик айланма маблағим 1 миллиард сўмлик “қизил чизик”қа яқинлашганда, юрагимга хавотир ораларди. Чунки бу чегарадан ўтиш мураккаб ҳисоб-ки-тобларга бой бўлган ҚҚС ва бошқа оғир солиқ тизимларига киришни аналтардим. Бу эса тугамайдиغان ҳисоботлар, қўшимча харажатлар ва энг ачинарлиси, энг қимматли бойлигимиз бўлган вақтнинг бой берилиши эди. Шу сабабли баъзида бизнесни кенгайтириш, янги марраларни забт этиш бўйича катта режаларимни атайлаб ортга сурган, суръатини пайсатирган пайтларим бўлган. Айнан бизни қийнаб келган ўша “1 миллиардлик девор”нинг қарийб 5 миллиард



сўмгача оширилиши кичик бизнес учун инқилобий янгиликдир! Бу шунчаки рақамлар эмас, биз каби минглаб тадбиркорларнинг қанот ёзиши учун берилган кенглик-

дир. Энди иш ҳажмини оширишдан, янги мижозларни жалб қилишдан ёки фаолиятимизни бир неча баробар кенгайтиришдан асло қўрқмаймиз. Аксинча, ривожланиш ва

фақат олдинга интилиш ҳақида дадил ва эркин фикрлай бошлаймиз.

Фармондаги ҳар бир банд, ҳар бир сатр гўё кўнглимиздан ўтаётган, йиллар давомида ичимизда пишиб етилган орзу-истакларимизнинг ҳаётга кўчган аксидир.

Айниқса, ҚҚС ставкасининг 6 фоизга туширилиши тадбиркорлар учун чинакам энгиллик бўлди. Илгари 12 фоиз ва у билан боғлиқ чигал, охири кўринмас ҳисоб-китоблар бошимизни қотирар, эътиборимизни ишдан чалғитар эди. Энди эса солиқ юки сезиларли даражада камаймоқда. Бу шунчаки имтиёз эмас, балки чўнтагимизда, бизнесимизда қоладиган сўм маблағдир. Тежалган пуллар эвазига энди ишмизни янги босқичга олиб чиқамиз, замонавий жиҳозлар сотиб оламиз, энг муҳими, маҳалладошларимиз, қишлоқдошларимиз учун янги иш ўринлари яратамиз. Бир оиланинг бошлиғи иш билан таъминланса, ўша хонадонга баракан киради, бундан ортиқ бахт борми?!

Мен ушбу фармонни шунчаки солиқ соҳасидаги навбатдаги энгиллик эмас, балки тадбиркорларга юксак ишонч ва эътироф деб қабул қилдим. Давлат ўз фуқаросига, тадбиркорига қанчалик ишонч билдирса, улар ҳам шунчалик ташаббускор бўлишга тайёр бўлади.




16-19 июнь кунлари пойтахтимизда бешинчи бор Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилади. "Инвестиция барқарорлиги: янги уфқлар, янги шерикликлар" мавзусида ташкил этиладиган ушбу нуфузли анжуман глобал капитал харакати ва Марказий Осиёнинг янги иқтисодий ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Форум нафақат молиявий битимлар майдонига, балки янги Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий маконга интеграциялашувини намоеён этадиган стратегик платформага айланмоқда.



Ҳасан СОБИРОВ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Тарихнинг барча босқичларида иқтисодий юксалиш сармоянинг эркин оқими билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Буюк ипак йўли даврида Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Марв шаҳарлари нафақат товар айирбошлаш, балки капитал марказларига айланган. XV асрда минтақамизда жорий этилган вақф институти орқали давлат ер ва мулк ҳимоясини кафолатлаган. Хусусий мулкдор эса мадраса, карвонсарой ва сув иншоотлари барпо этган. Янги ўша даврдаги ижтимоий келишувни бугунги давлат-хусусий шерикликнинг тарихий илдизи сифатида талқин этиш мумкин.

Форум доирасида 6000 квадрат метр майдонда кўргазма ҳам намойиш этилади, унда нефть кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатининг етакчи лойиҳалари тақдим қилинади.



Тошкент халқаро инвестиция форуми: ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТ ХАРИТАСИДА



хусусий сектор билан ишлаш маданиятини кўрсатиб берадиган кўзга ҳамдир. PPP Knowledge Lab тадқиқотлари кўра, ривожланган давлатларда инфратузилма лойиҳаларининг 25-40 фоизи айнан ушбу механизм асосида амалга оширилади. Сингапур, Жанубий Корея ва Буюк Британияда бу улуш айрим йилларда 50 фондан ҳам ортган.

Юртимизда ДХШ йўналиши 2019 йил 10 майда қабул қилинган "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун билан тизимли ҳуқуқий асос олди. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги "Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш тартибини батафсил белгилаб беради.

Ҳозир умумий қиймати 2,9 миллиард долларга баҳоланган 265 дан ортиқ ДХШ лойиҳаси

турли босқичларда ишланмоқда. Энергетика тармоғида 12 та йирик лойиҳа аллақачон ишга тушган. Улар орасида қуёш ва шамол электр станциялари алоҳида ўрин тутади. Сув ҳўжалиги соҳасида 105 дан ортиқ лойиҳа устида ишланмоқда. Давлат дастурига кўра, 2030 йилгача бу соҳада 50 та йирик ДХШ лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган.

Бугун ДХШ моделининг муваффақиятли амалии намуналари яққол кўзга ташланмоқда. Тошкент — Самарқанд пулли автомобиль йўли минтақда биринчи йирик миқёсли транспорт инфратузилмаси сифатида тарихга кирмоқда. Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини модернизациялаш лойиҳаси коммунал секторга хусусий оператор жалб этилган биринчи йирик тажриба бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги гемодиализ хизматларини кўрсатиш бўйича ДХШ лойиҳаси 80 мингдан ортиқ беморга кафолатланган, жаҳон стандартларига

мос хизмат етказиб, ушбу моделнинг ижтимоий самарасини исботлади.

ДХШ институтининг Ўзбекистон учун стратегик аҳамияти уч жиҳатда намоеён бўлмоқда. Биринчидан, давлат бюджетни зиммасига ортиқча юк тушмайди — капитал қўйилмалар хусусий инвесторлар томонидан таъминланади. Иккинчидан, хусусий секторнинг самардорлиги ва бошқарув тажрибаси давлат хизматлари олиб қилилади. Бу эса коммунал ва ижтимоий хизматлар сифатини сезиларли даражада яхшилаيدди. Учинчидан, лойиҳалардаги хавфлар давлат ва хусусий шерик ўртасида адолатли тақсимланади. Бу халқаро инвесторлар учун эр муҳим сигнал. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясига кўра, айнан ДХШ асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва сув ҳўжалиги соҳаларига 14 миллиард долларга тенг инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Инвестиция муҳити учун рақамлар ва сармоя ҳажми етарли эмас, капитал ўзини хавфсиз ҳис этадиган ҳуқуқий экотизим зарур. Мана шу йўналишда 2026 йил март ойида Президентимизнинг тегишли фармони билан ташкил этилган Тошкент халқаро молия маркази ҳақиқий стратегик муҳим қадам бўлди. Марказ махсус ҳуқуқий режим асосида ишлайдиган ҳамда умумий ҳуқуқ таъминоти тизимини модернизациялаш лойиҳаси коммунал секторга хусусий оператор жалб этилган биринчи йирик тажриба бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги гемодиализ хизматларини кўрсатиш бўйича ДХШ лойиҳаси 80 мингдан ортиқ беморга кафолатланган, жаҳон стандартларига



инвесторларнинг стратегик режалаштириши учун кучли сигнал вазифасини бажаради. Бунга қўшимча равишда биринчи марта алтернатив инвестиция фондлари учун ҳуқуқий асос қабул қилинди. Венчур фондлар сони аллақачон 22 тага етди, стартап экотизимининг қиймати 4,3 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Бу рақамлар глобал капиталга Ўзбекистон энди нафақат ресурс бозори, балки инновацион иқтисодиёт майдони ҳам эканини кўрсатади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 2022 йилдан бери ҳар йили қўламини кенгайтириб бормоқда. Тўртинчи форумда 97 давлатдан 8000 дан ортиқ меҳмон иштирок этган ва 30,5 миллиард долларлик шартномалар имзоланган эди. Бу ис-талган минтақавий иқтисодиёт учун жиддий кўрсаткичдир.

Форум доирасида 6000 квадрат метр майдонда кўргазма ҳам намойиш этилади, унда нефть кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатининг етакчи лойиҳалари тақдим қилинади.

Форумнинг аҳамиятини фақат имзоланадиган шартномалар миқдори билан ўлчаш тўғри эмас. Форум мамлакатнинг глобал капитал ҳамжамиятининг йиллик тақвимида барқарор ўрин эгаллашга олиб чиқади: бир маротаба келиш — дипломатия, ҳар йили қайтиб келиш — стратегия. Шу билан бирга, форум ички ислоҳотлар учун самарали босим механизми вазифасини бажаради: йилга бир марта глобал экспертлар олдидан натижа кўрсатиш институционал интизомни сақлаб турадиган муҳим омилдир.

Инвестиция муҳити дарҳол бунёд этилмайдиган, бироқ бир лаҳзада барбод бўлиши мумкин бўлган нозик экотизимдир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон бу экотизимни мустақкам пойдевор устига қуриб чиқди: ҳуқуқий базани янгиллади, давлат-хусусий шериклик институтини ривожлантирди. Тошкент халқаро молия марказини барпо этди, капитал бозорига йўл очди, халқаро рейтингларга юқорига кўтарилди. Тошкент халқаро инвестиция форуми эса шу пойдевор устида кўтарилаётган бинони глобал жамоатчилик нигоҳида синаб кўриш имконини берадиган муҳим мезондир.

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ҳар бир муваффақияти инвестиция тадбири янги Ўзбекистоннинг мувозанатли, оқил, барқарор ва ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилишини янада мустаҳкамламоқда. "Инвестиция барқарорлиги: янги уфқлар, янги шериклик" мавзусида ўтказиладиган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат тўрт кунлик анжуман, балки мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик иқтисодий стратегиясини белгилаб берадиган бурилиш нуқтасига айланиши шубҳасиздир.

Юртнинг обод гўшалари

Конимех Навойи вилоятининг шимолида жойлашган, ўзига хос табиий шароити, бой тарихи ва иқтисодий имкониятлари билан ажралиб турадиган ҳудудлардан. Туман чўл ҳудудда жойлашган бўлса-да, катта имкониятларга эга, энг муҳими, аҳолиси меҳнаткаш. Саноати, чорвачилиги, ўзига хос табиати ва стратегик жойлашуви ҳудудни янада ривожлантириш учун мустақкам замин ҳазирлаб келади.



Жорий йил 24 апрель куни Президентимиз раислигида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсшини таъминлаш бўйича биринчи чорак якунлари таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида туманда муайян ишлар қилинмоқда. — Ушбу йиғилишда 2026 йилнинг ўтган уч ойида соҳаларда бажарилган ишлар таҳлил қилиб берилди. Шу асосда келгусидаги вазифаларимизни белгилаб, соҳалардаги сай-ҳаракатларимизни янада жадаллаштиришни мақсад қилдик. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, инвестиция, бандлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилади. Бундан ташқари, туманимизда жорий йилда саноат йўналишида 8 та янги лойиҳа ишга туширилиб, ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 10 фоз ошди. Хорижий инвестицияни жалб қилиш жорий йилнинг биринчи чорагида 20 миллион долларни ташкил этган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткични 150 миллион долларга етказиш режалаштирилган, — дейди Конимех тумани ҳокими Руслан Рўзиев. — Туманда чорвачилиқдан ташқари, туризм соҳаси ҳам асосий драйверлардан бири сифатида ривожлантириляпти. Бу ерда мазкур йўналиш бўйича имкониятлар кенг. Хусусан, чўл ҳудудларда сайёҳларни кўпқоғ жалб этадиган ўтовлар

кўпайтирилляпти. Шу йилнинг ўтган уч ойида ҳудудга 4500 хорижлик сайёҳ келган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткич 24 мингдан ошishi кутулимоқда. Ҳозир тумандаги 2 гектар майдонда 30 та янги ўтов тикланиб, атрофида дам олиш масканлари барпо этиляпти. Ҳудди шундай яна 5 та лойиҳа учун умумий қиймати 25 миллиард сўмлик 3 та ўтовли лагер ва 1 та тиббий туризм лойиҳаси амалга оширилади. Бу эса туманимизга келадиган маҳаллий ва чет эллик туристлар сонини бугунги 79 минг 300 дан 124 мингга етказиш имконини беради. Чўл шароитига қарамай, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва яна ўндан ортиқ миллат вакиллари тоғув ва иноқ ҳаёт кечириб, туман тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётди. Албатта, бу ердаги кенг қўламли янгиланишлар жуда муҳим. Инфратузилма янгиланди, иқтисодий салоҳият кенгайди, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди. Натижада бугунги Конимех бир асрлик тараққиётнинг янги босқичига

КОНИМЕХ БИР АСРДАН СЎНГ ҚАНДАЙ ЎЗГАРМОҚДА?

қадам қўйган, замонавий кўринишга эга ҳудудга айланди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўсиш суръати ҳам буни тасдиқлаб турибди.

— Ҳозир туманимизда саноат йўналишида ҳудудий инвестиция дастури асосида 227,3 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Конимех тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Элдор Ҳазратқулов. — Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида аҳолининг жами 361 гектар томорқасида ва ижарага берилган 170 гектар майдонда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши режалаштирилган. Жумладан, Бирлик, Соҳил бўйи, Юксалиш, Зафаробод, Шўртена маҳаллаларида йўлбўйи лойиҳалари амалга оширилиб, 72 та савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти йўлга қўйилди.

А-379 автомагистралнинг 125 километр қисмида қиймати 35 миллиард сўмлик хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Барча йўналишда белгиланган ишлар бажарилиши натижасида 338 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши ва 2625 та янги иш ўрни очилиши кўзда тутилган.

Албатта, тадбиркорлик ривожланган жойда янги иш ўринлари хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйилди. Жумладан, Покистоннинг чорвачилик соҳасидаги қатор номдор корхона ва компаниялари билан ҳамкорликда гўшт маҳсулотлари тайёрлаш ва чарм-пойабал ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ишга тушириши арафасида. Туманимизда кўплаб соҳалар қатори балиқчилик ҳам ривожланмоқда. Балиқчилик ҳўжаликлари кўпайиб, шифобахш маҳсулот етиштириш ҳажми ошмоқда. Масалан, Қизилқум саҳроси чегарасида жойлашган Шўркўл маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун балиқ овлаш ҳамда табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш учун қулай маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун балиқ овлаш ҳудудга айланиб бораётганида акс этаётди.

— Жорий йилда туманда аҳоли даромадини ошириш ва 250 камбағал оилани маънавий қўллаб-қувватлаш орқали камбағаллик даражаси 4,1 фоздан 2 фозгача туширилади, — дейди Конимех тумани камбағалликни қисқартириш



иш ўрни очилган. Асосан, "Навоийазот" акциядорлик жамияти бурюртмасини бажарамиз.

Қизилқум бағрида жойлашган Конимех тумани азалдан чорвачиликка ихтисослашган ва бу соҳада ҳам салмоқли ютуқлар қайд этилмоқда. Беш йилда чорва сонини 620 мингга етди, яъни 115 фоз ошди. Айниқса, хориждан олиб келинган зотли чорва илмий ёндашув асосида парваршилланиб, кўпайтирилмоқда.

— Туманимизда ҳозир 600 мингдан ортиқ майдонда шохли чорва мавжуд, — дейди Конимех тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Санжар Нуриев. — Келгусида чорвачиликни ривожлантириш бўйича 8 та лойиҳамиз тайёр. Энди хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйилди. Жумладан, Покистоннинг чорвачилик соҳасидаги қатор номдор корхона ва компаниялари билан ҳамкорликда гўшт маҳсулотлари тайёрлаш ва чарм-пойабал ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ишга тушириши арафасида. Туманимизда кўплаб соҳалар қатори балиқчилик ҳам ривожланмоқда. Балиқчилик ҳўжаликлари кўпайиб, шифобахш маҳсулот етиштириш ҳажми ошмоқда. Масалан, Қизилқум саҳроси чегарасида жойлашган Шўркўл маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун балиқ овлаш ҳамда табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш учун қулай маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун балиқ овлаш ҳудудга айланиб бораётганида акс этаётди.

— Жорий йилда туманда аҳоли даромадини ошириш ва 250 камбағал оилани маънавий қўллаб-қувватлаш орқали камбағаллик даражаси 4,1 фоздан 2 фозгача туширилади, — дейди Конимех тумани камбағалликни қисқартириш

ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғи Комилжон Ҳудойберганаев. — Натижада 1200 кишининг бандлиги таъминланади. Ишсиз 1000 фуқаро донимий ишга жойлаштирилади. Шунингдек, 338 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 2625 та янги иш ўрни очилди.

Айни вақтда "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман" мақоми берилган Конимехда бунёдкорлик ишлари ҳам жадал давом эттириляпти. Тумандаги А-379 автомагистрала бўйида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Драйвер лойиҳа доирасида йўл бўйи хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, туман стеласини янги ва замонавий қиёфда янгиллаш, ҳудудни янада жозибдор масканга айлантириш ҳамда иқтисодий ривожланишга хизмат қилувчи инфратузилмани кенгайтириш режалаштирилган. Бундан ташқари, замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, дам олиш масканлари ҳамда селфи ҳудудларини ташкил этиш орқали аҳоли ва меҳмонлар учун янада қулай муҳит яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, маҳаллалик ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ишлари бажарилимоқда.

— Жорий йилда тумандаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 22,5 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланган, — дейди Конимех тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Азамат Нейматов. — Бу орқали тумандаги 3,5 километр ички йўл етказилди, 40 километр ички сув ва 2,5 километр электр тармоқлари тортилди ва 3 та мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, тиббиёт ва спорт объектлари қурилиши ҳамда таъмирланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, 4 та маҳаллани деҳқончилик, 5 тасини чорвачилик, 3 тасини савдо ва хизмат кўрсатиш, 1 тасини саноатга ихтисослаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бу жараёнда 130 та микро-лоиҳа амалга оширилди ва 520 та хонадонга лойиҳа пакетлари тақдим этилди.

Бугун Конимех туманида Янги Ўзбекистон қиёфасини яратиш учун зарур чора-тадбирлар белгилиниб, ҳаётта таътиб этиляпти. Бунинг самараси эса аҳоли турмушида намоеён бўлмоқда. Келгусида ҳаётта таътиб этиладиган истиқболли лойиҳалар кўп. Уларни рўйғаб чиқариш учун туманда ишонч, салоҳият ва имкониятлар етарли.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Нуқтаи назар

Юртимизда инсон қадр, маънавият ва маърифат масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани соҳадаги кенг кўламли ислохотларда яққол намоён бўлмоқда. Маданият ва санъат тизимини тубдан ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий меросни асраш, тарғиб қилиш ҳамда креатив иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий асос яратилди.



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Тараққиётни ҳаракатлантирувчи, миллатни бирлаштирувчи маънавий куч



Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 майдаги “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда “Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармонлари маданият ва санъат аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор эътирофининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Президентимизнинг 1 июнь куни соҳа вакиллари билан ўтказган очик ва самимий мулоқоти ушбу эътиборнинг мантӣқий давомидир.

Мазкур тарихий учрашувда давлатимиз раҳбари маданият ва санъат соҳасининг истиқболдаги тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди, тизимни янги bosқичга олиб чиқишга ҳизмат қиладиган амалий вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз “Давлатни иқтисод кўтаради, қонун бошқаради, армия ҳимоя қилади. Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажаги мустақкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетни кучли бўлади”, дея таъкидлади.

Шунингдек, “Битта яхши асар, таъсирчан кўшиқ миллатнинг руҳини кўтаради, биргина спектакль жамиятнинг таъқуририни уйғотади, кинодаги бир образ бутун авлоднинг қарашини ўзгартиради” деган фикрлари билан санъатнинг жамиятдаги беқисми кучини яна бор ифода этди.

Дарҳақиқат, маданият ва санъат жамиятининг маънавий қиёфасини белгилайдиган энг муҳим омиллардан. Учрашув мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирар экан, мамлакатимиз етакчисини унинг мақсади соҳадаги муаммоларга ечим топиш ҳамда адабиёт, маданият, санъат ва креатив иқтисодиётга янги муҳит яратадиган катта ташаббусларни бошлаб беришдан иборат эканини таъкидлади. Бу эса учрашувнинг нафақат мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, балки маданият ва санъат соҳаларини янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган стратегик мулоқот эканини аниқлатади.

Аввало, театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, мақом, академик ва миллий чолғу санъати, тасвирий ҳамда амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилиши белгиланди. Мазкур ташаббус санъат соҳасини тизимли ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлиб, ўз моҳиятига кўра спорт соҳасидаги федерациялар фаолиятига ўхшаш тарзда ҳар бир йўналишнинг тараққиёти, истеъдодлиларни саралаш ва қўллаб-қувватлаш, устоз-шогирд аъёналарини мустақкамлаш ҳамда профессионал муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, ушбу бирлашмалар тажрибали ижодкорлар ва ёш истеъдод эгаларини ягона мақсад атрофида бирлаштириб, миллий санъат мактабларининг узвий давомчилигини таъминлайди. Натيجада ҳар бир йўналишда ижодий рақобат, профессионал маҳорат ва халқаро майдондаги нуфузни ошириш учун мустақкам пойдевор яратилади. Ҳар йили ўтказилиши белгиланган миллий ижодкорлар курултойи эса соҳанинги йирик ҳисобот ва эътироф платформасига айланади. Энг яхши ижодкорларга қалам ҳақи, тиббий ва ижтимоий имтиёзлар берилади.

Ёш истеъдодлиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика танловлари голибларига 100 миллион сўм, халқаро танловлар совриндорларига 300 миллион сўмгача мукофот берилиши, устозларга эса 100 фоизгача устама белгиланиши тизимда янги сифат bosқичини бошлаб беради.

Шунингдек, ҳар йили 100 нафар ёш ижодкорга хориждаги олий таълим муассасаларида давлат ҳисобидан таҳсил олиш имконияти яратилмоқда. Бу эса миллий санъатимизни халқаро даражага олиб чиқадиган янги авлоднинг шакллантиришга хизмат қилади.

“Ижода инвестиция” жамғармаси ташкил этилиб, унга йилга 200 миллиард сўм ажратилиши креатив иқтисодиёт ривожига тарихий қадам бўлди. Бугун маданият ва санъат нафақат маънавий, балки иқтисодий тараққиётнинг ҳам муҳим омилга айланмоқда. Адабиёт соҳасида йилга камида 50 та сара асарга давлат буюртмаси берилиши, энг яхши 10 та асарнинг хорижий тилларга таржима қилиниши миллий адабиётимиз нуфузини оширишга қўл келди. Миллий китобхонлик ҳаракати доирасида кутубхоналар, китоб дўконлари ва бук-кафедранинг кенгайтирилиши тўғрисида эса ёшлар маънавияти юксалади. Ашула ва рақс ансамблининг ходимларининг иш ҳақи 2 баравар оширилиши, рақс усталари учун пенсия стажининг 20 йилдан 15 йилга туширилиши, Янги Тошкентда Рақс саройи қурилиши миллий саҳна санъати ривожига муҳим bosқич бўлади. Композитор ва бастакорлар учун ҳар йили камида 20 та янги асар яратиш бўйича давлат буюртмаси берилиши миллий мусиқа ривожини янги bosқичга олиб чиқишда жуда муҳим.

Энг устувор жиҳатлардан яна бири санъатнинг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши бўлди. Энди аэропорт, метро, вокзал, парк ва жамоат жойларида миллий кўй-қўшиқлар янграб туради.



“Миллий руҳни уйғотадиган санъат керак, халқни илҳомлантирадиган адабиёт керак, ёшларга фахр ва ифтихор беридиган кино керак, қалбларни жунбўшга келтирадиган мусиқа керак, одамнинг ўзини англашга ундайдиган театр керак”, деди Президентимиз. Ушбу мулоқозлар бугун маданият ва санъат олдига турган энг долзарб вазифалардан бири — миллий руҳ ва миллий ўзликини санъат воситасида теран ифодалаш масаласига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Таъкидланганидек, асарнинг муваффақияти фақат унинг шакли, техник имконияти ёки ташқи жоибаси билан эмас, балки унда халқнинг тарихи, қадриятлари, орзу-нигиллашлари ва руҳини қанчалик акс этгани билан белгиланади. Шу маънода, санъат асарлари томошабин, тингловчи ёки китобхон қалбига чуқур кириб борадиган, уни ўйлангандан кейин илҳомлантирадиган кучга эга бўлиши лозим.

Президентимизнинг саҳна асарлари, кўшиқлар, фильмлар ва бошқа ижод маҳсулотлари мисолида келтирган фикрлари санъатнинг мазмун жиҳатига эътиборини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Чунки миллатнинг маънавий қиёфаси, тарихий хотираси ҳамда бугунги тараққиёт йўли, энг аввало, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади. Халқнинг дарди, қувончи, гурури ва характери бадий асарларда ёрқин намоён бўлгандагина улар кенг жамоатчилик қалбидан жой олади ҳамда миллий ўзлигини мустақкамлашга хизмат қилади. Шу боис, миллий руҳни уйғотадиган санъат, халқни илҳомлантирадиган адабиёт, ёшларга фахр ва ифтихор туйғусини кучайтирадиган кино, қалбларни жунбўшга келтирадиган мусиқа ҳамда инсонни ўзлигини англашга чорлайдиган театр яратиш вазифаси илгари сурилди. Бу ижодкорлар масъулиятини ошириб, маданият ва санъатнинг жамият тараққиётига ўрни нақадар муҳим эканини ҳам яққол намоён этади.

Учрашувда илгари сурилган “Мен Ўзбекистон фарзандиман!” гоёси атрофида жамиятнинг бирлаштирувчи ташаббус бугунги

бошлаши ва ўз истеъдодини намоён этиши учун қулай шароит яратишга хизмат қилади. Айниқса, хусусий театрлар ва театр-студияларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида янги иш ўринлари очилиб, ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлаш имконияти сезиларли даражада ортади. Бу эса таълим, илм-фан ва амалий ижодий фаолият ўртасидаги узвий интеграцияни мустақкамлаб, театр санъатининг барқарор ривожланишида жуда муҳим.

Кино санъатини ривожлантириш бўйича ташаббуслар ҳам мамлакатимиз кинематографияси тарихида янги bosқични бошлаб беришга хизмат қилади. Хусусан, “Ўзбекфильм” киностудиясига миллий мақом берилиб, уни маҳаллий ва халқаро киноиндустрияга хизмат кўрсатадиган марказий киноконцернига айлантириш бўйича белгиланган вазифалар миллий кино санъатининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, миллий фильмларни халқаро бозорларга олиб чиқиш, глобал кино платформалари билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ўзбек кино санъатининг дунё миқёсидаги нуфузини мустақкамлашга катта ўрнни тутади. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида кино нафақат санъат тури, балки мамлакатнинг маданий қиёфаси, тарихий хотираси ва миллий манфаатларини халқаро майдонда тарғиб қилувчи энг таъсирчан воситалардан. Шу маънода, кино соҳасига қаратилган эътибор янги авлод киноижодкорларини тайёрлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ва миллий кино маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш учун кенг имкониятлар яратилади.

Энди маданият ва санъат соҳалари учун кадр тайёрлаш ўзига хос ижодий хусусиятларга асосланиб ташкил этилиши керак. Шу боис, янги ўқув йилларида иxtисослашган мактабларга ўқувларни мусиқа йўналишида 5-синфдан, рақс, театр, санъат бўйича 9-синфдан қабул қилинади. Мазкур қарор ёш истеъдод эгаларини эрта аниқлаш, уларнинг қобилиятини мақсадли ривожлантириш ҳамда профессионал санъат таълимига пухта тайёрлаш имконини беради. Айниқса, ушбу тизим Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти каби соҳага иxtисослашган олий таълим муассасалари учун ҳам муҳим. Чунки иxtисослаштирилган мактабларда чуқурлаштирилган дастурлар асосида тахсил олган битирувчилар келгусида институтининг асосий абитурниентлари ва талабаларни сафини тўлдирди. Бу эса олий таълим bosқичига санъат ва маданиятнинг назарий ҳамда амалий асосларини пухта эгаллаган, ижодий дунёқараш шаклланган, касба онгли равишда йўналтирилган ёшлар кириб келишини таъминлайди. Таълим жанрида “иختисослаштирилган мактаб — олий таълим — профессионал фаолият” тизими янада мустақкамланади. Бу эса институтида кадрлар тайёрлаш сифатини янги bosқичга олиб чиқиш, театр, кино, мусиқа, рақс ва бошқа ижодий йўналишлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширади. Энг муҳими, мазкур ислохотлар

мамлакатимиз маданият ва санъат соҳалари учун профессионал кадрлар захирасини шакллантиришнинг мустақкам пойдеворини яратилади.

Ҳар бир талабага таниқли ижодкорлар бириктирилиб, дуал таълим йўлга қўйилади. Бунда устоз ижодкорлар ёшларнинг ўзининг концерт, театр ва томошаларида иштирок этиши учун шароит яратиш, уларни катта саҳнага тайёрлаб бориши айтилди. Бунинг учун ушбу устозларга олийгоҳ профессор-ўқитувчисиникига тенг миқдорда ҳақ тўланиши, таниқли ижодкорлар олийгоҳда дарс берадиган бўлса, ойлигига 50 фоиз устама қўшилиши белгиланди.

Янги ўқув йилидан таълим дастурларига “Арт-менеджмент”, “Креатив индустрия”, “Лойиҳаларни тижоратлаштириш” сингари замонавий мавзулар киритилиши, киноиндустрия, мода ва дизайн, маданият менежменти каби йўналишларда хориждан тажрибали 50 мутахассис-ўқитувчи олиб келиниши маълум қилинди. Талабаларнинг стартап лойиҳалари учун 10 та олийгоҳга 50 миллиард сўм берилиши айтилди.

Президентимиз белгилаб берган ушбу тарихий вазифа ва ташаббуслар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти учун бош мезон бўлади. Хусусан, ҳар бир талабанинги ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, шахсий брендини шакллантириш, ижодий маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бўйича тизимли механизмлар жорий этилади.

Дуал таълим асосида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали академик театри, Ўзбекистон давлат драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда “Ўзбекфильм” киноконцернида тегишли кафедраларнинг филиаллари ташкил этилиб, талабаларнинг назарий билими амалиёт билан уйғунлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, мусиқали театр режиссерлиги таълим йўналиши битирувчилари диплом ишларини республика театрларида саҳналаштириди. Энг муҳими, ушбу битирувчилар мазкур театрларга ишга қабул қилинди. Институтида юртимизнинг таниқли ижодкорларини педагог сифатида жалб этиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Бу эса ёшларнинг амалий тажриба орттириши, йирик концертлар, театр томошалари ва маданий лойиҳаларда бевосита иштирок этиб, профессионал маҳоратини оширишига хизмат қилади.

Энди ушбу ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсад қилинмоқда. Яъни таниқли санъаткорлар, режиссерлар, актёрлар, бастакорлар ва бошқа етук ижодкорларни бириктириш орқали институт талабаларининг касбий маҳоратини ошириш, ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда келажакдаги фаолиятига мустақкам пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, ёшларимиз устоз-шогирда аъёналари асосида амалий тажриба орттириб, йирик маданий лойиҳалар, спектакллар, концерт дастурлари ва ижодий жараёнларда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Албатта, ушбу тарихий учрашувнинг мазмун-моҳиятини биргина мақолада тўлиқ қамраб олиш имконсиз. Чунки унда кўтарилган гоёлар кўлами, йўналишлари хилма-хиллиги ва стратегик аҳамияти жуда кенг. Шу маънода, ушбу фикрлар келгусида алоҳида илмий, таҳлилий ва амалий ёндашувлар орқали янада чуқур ўрганишни талаб этади. Ушбу ислохотлар тизими тизими, айниқса, санъат ва маданият йўналишидаги олий таълим муассасаларига ҳам янги мазмун ва масъулият юклайди.

Бугун мамлакатимиз маданият ва санъат соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар нафақат тизимнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш, балки жамиятнинг маънавий қиёфасини тубдан янгилашга қаратилган стратегик йўналиш сифатида намоён бўлипти. Бу жараёнда ижодкор шахсининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, миллий ўзликини чуқурлаштириш ҳамда халқимизнинг тарихий хотираси, қадриятлари ва руҳий дунёсини замонавий бадий тафаккур билан уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, мазкур ташаббуслар маданият ва санъатнинг тааббат ҳаётига эстетик ҳодиса эмас, балки жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи курашчи маънавий куч, миллатни бирлаштирувчи ва келажакка етакловчи стратегик ресурс сифатидаги ўрнини янада мустақкамламоқда. Ижодкорларга яратилган кенг имкониятлар, ёш истеъдод эгаларини эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимининг тақомиллашуви, таълим ва амалиёт интеграциясининг чуқурлашуви эса миллий санъат мактабининг узлуксиз ривожланиши таъминлайди.

Яқин йиллардан кичкина бир ҳижоя



Кўнгилдаги битиклар

Яқинда Президентимизнинг маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувини ҳис-ҳажон билан кутатдик. Билдирилган ташаббуслар, яратилаётган имкониятлардан ким шодланмади, дейсиз. Очиги, ижод соҳаси ичра юрган ижодкор сифатида бу янгиларни мен учун йиллар давомида йиғилиб қолган катта-кичик қўллаб-қувватловларнинг яхлит ечими бўлиб туялди. Нима учунлигига бир мисол.



Ўзбекистон Миллий университетининг 1-курс талабасиман. Куз ойлари. Пойтахт кўчаларини энди-энди ўрнаётган, метрода адашиб, автобусларнинг рақамларида чалқиб юрган пайтим. Тўртта курсдош келишиб, бир меҳмон-хонага ижарага жойлашганимиз, арзонроқ нархга. Сабаби, куз бошида пойтахтда дарров ижара уйи топиш қийин бўлади.

Кўчаларнинг бирида Қашқадарёда ижодий давраларда бирга шеър айтишиб юрган дўстим кўнгироқ қилди. Тошкентта келибди, вақтинча қўналга керак. Кўришдик. Пули йўлгага зўра етгани сезилиб турибди. Меҳмонхонага олиб бордим. 4 кишилик хонада бешинчи бўлиб жойлашдик. Икки ҳафта тинмай иш излади. Ўзи истанган иш топилавермади, топилиганини эса маоши озлик қилди. Сабаби, ўзидан орттириб уйига ҳам юбориши керак. Хуллас, яхши ниятлар билан келганига қарамай, шароит тўғрисида

уйга қайтишга мажбур бўлди. Кетаркан, шу ерда ўрнини топиб, ижодий муҳит ичда яшамоқчи эдим, наҳора, наҳорик қилмаган экан-да, деди. Кетди. Ҳаёт давом этаверди.

Орадан уч ойлар ўтган. Яна ўша дўстим телефон қилди. Тошкентдаги бир тахририятдан иш топган, яқинда келмоқчи экан. Келди, яна мен яшаётган квартирага жойлашди. Ишни бошлади. Ойлик 3,5 миллион сўм атрофи. Кўнларнинг бирида болаларини соғинаётганини, уларни ҳам кўчириб олиб келишини, бундай яшай олмаслигини айтди. Икковлашиб ижарага хонадон изладик. 3 миллион сўмларга амаллаб ёш оилага топса бўларкан. Топдик. Қўшимча иш қилиб амаллайман деди. Оиласини кўчириб келди. Лекин қўшимча иш ҳам излағанда топилмаверса-да, Топилмади. Бир ой яшадим, яна қайтиш ҳақида ўйлаётганини, иложини топа олмайганини айтди. Бу сафар кўч-кўронини олиб бола-чақаси билан

қайтиб кетишга мажбур бўлди. Ўша лаҳзаларда кўнгилдан нималар ўтгани бир ўзи ва Худого аён.

Хуллас, дўстимни ўша пайтда пойтахт, мажозий маънода айтганда, “сигдирмади”. Бугун у вилоятда тадбиркорлик қилмапти. Шароитини ҳам анча яхшилаб олган. Лекин барибир қалбига санъатта, шеърингга муҳаббати сўнмагани ҳам гаплашганимизда сезилиб туради.

Давлатимиз раҳбари 1 июнь куни маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан ўтказган учрашувда ижодий ташкилотлар, маданият ва санъат муассасаларига бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган соҳа вакилларига уй-жой ижараси учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача, вилоятларда 1 миллион 600 минг сўмгача харажатини қоплаб бериш йўлга қўйилишини эълон қилди. Бу хабарни ўқиб, дарров ўша дўстим ёнимга тушди, кўнгироқ қилдим. Хабарни ўқиб бердим, ўша пайтларни қулиб эсладик.

“Жуда яхши иш бўлибди. Ҳозир бир ҳаракат қилсам, Тошкентдан уй олишга ҳам имконим етади. Лекин шу имконият ўша йилларда бўлганда, ким билсин, мен ҳам катта шонор бўлиб юрган бўлар-мидим бутун... Тақдир экан, дўстим”, деди. Ўйланмай қолдим.

Президентимиз учрашувда маданият ва санъат соҳаси вакиллари яратилаётган имкониятларни бирма-бир айтди. Аксариятимиз уни одатдаги хабардек ўқидик. Лекин бу янгиларни битталаб ажратиб чиқсак, ҳар бирининг тубида қанчадан қанча тақдирлар ҳижояси, армонлар, изтироблар бор. Бу янгиларнинг эшитилганда қанчадан қанча ижодкорларнинг кўз ўнгидан ўтмиши ўтди, қани эди шу имкониятлар ўша пайтлар бўлганда эди, деди.


Мен эса уларнинг биттагинасини ҳижоя қилиб бердим, холос.

Жонибек ЭРКИН, журналист

Мутолаадан сўнг

ЧЎҚҚИ САРИ ДАДИЛ КАДАМ

Оламшумул ютуқларга эришилаётган XXI асрда тадқиқотлар шу пайтга қадар сирли бўлиб келган кўплаб жумбоқларга жавоб топа бошлади. Ҳатто амалий натижалар ҳаёдан ҳам ўзи кетди. Қўл етгудек жойга қаранг, қанча мўъжиза — қўл телефони, компьютер... Ичи тўла жумбоқ. Аммо ана шундай ҳам ёпик, ҳам шаффоф дунёда Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги синаотлар ҳамон тўла ўрганилмаганида бор гап.



Буюк ҳақиқатларни тўла кашф қилиш учун турли нуқтан назарлардан ёндашиш зарур. Натижада ҳақиқатнинг тўла намоён бўлишида янги сўқмоқ очади. Кейинги йилларда бу мавзуда кўп жилли эпопеялар, алоҳида романлар, тарихий-хроникал асарлар, шеърый манзума ва достонлар ёзилганини эътироф этган ҳолда монографияни изланишларнинг янги қирраси, қолаверса, олга босилган қадам деб баҳолаш мумкин. Бунга асарнинг мазмуни, воқеликнинг ўзига хос тадқиқи ва талқини кафолат беради. Агар таъбир жоиз бўлса, ҳозиргача Соҳибқирон ҳодисасини кашф этишда юмушлар тўрт амалларда, асосан, йиллар ва воқеалар доирасида, яъни бутун сонлар билан бажарилган босқичида бўлса, энди кўп таъкидланган йирик йўналишларнинг каср ва маҳражлари, ҳаммабоп хулосаларнинг ботинидаги ички унсурларни кашф этиш даражасидаги тадқиқот амалга оширилди. Албатта, мавзунинг энди алгебра ва алгоритмларига ҳам навбат етади.



Уз пайтида 50 замондошнинг "қиёсий ҳасби ҳоли"ни ёзиб қолдирган Плутарх Александр Македонский таржимаи ҳоли иншосидан олдин ўзининг шарҳини бундай баён этган экан: "Биз тарих ёзмаймиз, балки одамларнинг ҳаёти мазмунини иншо этамиз. Ҳар қандай улуг воқеликда эгулик ёки ёвулик бирдан кўзга ташланавермайди. Аммо арзимаган бир қилиқ, шунчаки айтилган гап ёки йўлида қилинган ҳазил жангиди ўн минглаб қурбонлар, улкан армия ёки шаҳарларнинг қамал қилиниши шарҳидан кўра инсон табиатини ёрқин намоён этади. Шунинг учун бизан ижодкорлар уларнинг характерини очиб берадиган юзидаги ўхшашлик ёки қўл ҳаракатларини тасвирлар экан, танасининг бошқа қисми билан кам қизиқади. Билъакс, бизга буюк ишлар ва жангларнинг бошқа тафсилотларидан кўра шахсининг бутун ҳаётини тасвирлаш асносида қалб кечинмаларини ифодалаш зарурати бўлганда шу кичик унсурлар орқали мақсадга етишга кўпроқ эҳтиёж сезилади".

Олим китоб давомида иқтидорнинг кучини ўзи кашф этган ана шу ҳақиқатни муфассал шарҳлашга қаратади ва бунда ўзига хос йўл тутди. Очиги, саъй-ҳаракатнинг муваффақиятли кечганини қайд этиш инсофдан бўларди. Зотан, асарда Соҳибқирон дунёни ларага солган фотиҳ ёки жаҳонгир сифатида эмас, инсон ўлароқ бир мўъжиза сифатида намоён бўлади. Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчиликдаги муваффақиятлари жаҳонда тан олингани аниқ ҳақиқат. Инсониятни дол қолдирган синаотлардан бири ва энг муҳими — шу замин фарзандининг ўттиз беш йил ичида давлатни ўзининг саъй-ҳаракати билан бирлаштириб, ярим вайрона, ночор ўлкани гуллаган мамлакатга айлантириши, дунёнинг учдан бирига ҳўкмини ўтказиши, яна инсоният тамаддунига юз йилларни бўйлаган мерос қолдириб, энг мукамал цивилизация намунасини яратгани бутун ҳама намуна олишга арийдиган мерос эди. Бунга чуқур англаган олим ўз тадқиқотида бутунги мезонлар билан воқеликка доғишмандона

назар ташлайди ва ютуқлар замиридаги омиллари кашф этишга интилади. Монографияда воқеа кўламини гавдалантириш учун рақамлар, жанрларда қурбон бўлганлар сони, вайрон бўлган шаҳарлар миқдоси, шунингдек, бунёд этилган улкан иморатларнинг салобати, ҳатто йиллар ёки даврлар ҳақида гап кетмайди, балки тик ўсган даракнинг пойма-пойма юксалиб боришида рўй берган воқеалар дунё ҳаёти кесимида таҳлил қилинади. Муҳокама учун саволлар ҳам қўйилади: Амир Темур феномени тасодифми ёки қонуният эдими? Мабодо галабаларнинг ўзи илоҳий куч таъсирида амалга оширилгану, Темурбек шунчаки "диспетчер"лик қилиб турмаганими? Саволлар ёғилиб келаяверади, эҳтимол, бутун ҳам қизиқиларнинг сусаймаётгани сабабларидан бири ҳар қандай чегарага сиғмайдиган саволларнинг кўпчилигидандир. Агар сиз асарнинг мулоҳазаси руҳига тушиб, жумла ва гапларни такрор-такрор ўқиб, ҳар бир тушунчани тафаккур қилсангиз, кўп саволларингизга жавоб топасиз. Балки янги саволлар пайдо бўлар, балки янги хулоса ва тушунчаларга гувоҳ бўласиз. Менимча, бу асарнинг ўзига хослиги ҳам шунда. Кўплаб мавҳум тасаввурлар ойдинлашади, ҳаёлот осмонидан янги ўфқлар пайдо бўлади. Булар меъёрда ҳол деб ўйламан ва шу йўл билан улкан чўққига яқинроқ бораверасиз. Ўзгана аниқ тарихий далиллар тилга қиради: Арзизион ва Арзирум шаҳарларининг ҳўкми Таҳуртан Боязид ва Қора Юсуф ўртасида нишонда қолади. У эса Амир Темурдан мадад кутди. Кейинги воқеалар зиддиятини яна ҳам кучайтиради. Умуман, муаллифнинг ҳар бир тарихий воқеага муносабати ва шарҳи ўзига хос, такрорланмас... Гоҳида рақамлар тилга қиради: "Тузуллар"га кўра, давлат концепцияси 4 та қонда, 12 тартиб, 12 та тамойил ва 12 та тоифага ажратилади. Ҳиротда 350 мадраса бўлиб, улардан ҳар бирида 40 минг одам ўқиб, бир йилда 4000 талаба битирган. Муаллифнинг мақсадга

эришиш учун турли услублардан фойдаланиши ҳам таҳсинга лойиқ. Ахир юзлаб узиндилар, нуфузли олимларнинг фикрларини исбот ва далил сифатида ҳавола қилиш, ўрни келганда улар билан мунозараларга киришиш ва фикрини исботлаш учун салмоқли далиллар келтириш айтишга осон. Бир сўз билан айтганда, ушбу тадқиқот монументал салмоққа эга. Унинг услуби, баён этиш тартиби, ифода усули ҳам алоҳида тадқиқотларга арзийди.

Асарга сийёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев мухтасар сўз боши ёзган. "Олам ва одам ўртасидаги боғлиқлик аини олам яхлитлиги ва одам бутунлигидир. Аинан ана шундай муштараклик уларнинг ҳар икковини ҳам тўддириб, ўтмиш, бугун ва истиқболни боғлаб туради", дейилади муқаддимда.

Китоб уч йирик бобдан иборат. Бобларнинг номиёқ гап нима ҳақида эканини айтиб турибди: биринчиси — Амир Темурнинг геосийёсий стратегияси. Иккинчиси — Амир Темурнинг давлатчилик концепцияси. Учинчиси — Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси.

Кўплаб сўзлар таниш, агар нотаниш сўз ёки бирикмага дуч келган бўлсангиз, асарни ўқишга тўри келади. Шубҳасиз, мавзун баён этишда муаллиф қандай қўлқоп кийгани ёки қайси рангли кўзойнақ таққани жуда аҳамиятли. Сезишимча, Тўлқин Алимардонов қўлқоп киймай ва кўзойнақ таққмай ишлаган. Чунки ҳар бир сўз юракка яқин жойдан чиққани ва тўғри саҳифага тушгани сезилиб туради.

Муаллиф рост гапирётганини далиллаш учун уч юзга яқин манбаанинг рўйхатини келтиради. Ҳатто муфтий ҳазрат Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфдан иқтибос олишни ҳам унутмайди. Яна "1993 йилда Лондонда Янги Зеландиядаги Крайст Чёрч масжиди черкови университети профессори С.Эдхеднинг "Марқазий Осиё жаҳон тарихида" номли монографияси нашр этилди. Унинг муҳим қисми Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эди. Китоб шу қадар муваффақиятли бўлганки, у ўрта мактаблар учун тарих дарслиғи сифатида тасвир этилган ва Янги Зеландияда ҳам, Англияда ҳам кўп марта нашр этилган..." деб қўяди қулқоққа шипшандай. Бунинг билан "Олтин ҳамма жойда олтиндир" демоқчи бўлади ва уни кадрловчилар ҳар доим ва ҳар қачон топилишини таъкидлаб қўяди.

Муаллиф "Сўнги сўз"да китобхонга "Улуг мақсадларга қорлаган умуммиллий зафарлар, юксак маданият, илим-фан ва бунёдкорлик ривожига қандай қонуниятларга таънади деган саволлар орадан етти аср ўтиб, биз — янги авлод олиши лозим бўлган ибрат ва сабоқлар нималардан иборат эканини англашга даяват этади", деб мурожаат қилади ва тартиб билан сабоқларни санаб кўрсатади. Бу ҳол маърифий аҳамият касб этади.



Ҳақим САТТОРИЙ, ёзувчи

Давлатимиз раҳбарининг Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлашга оид тарихий қарори асосида ўтказилган, ўтказилаётган кўплаб ҳаёқаро тадбирлар ана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатди.

Амалга оширилаётган ҳаракатлар қаторида сийёсатшунослик фанлари доктори, профессор Тўлқин Алимардоновнинг "Амир Темур империяси" монографиясининг нашр этилишини ҳам санаб ўтиш аини мудоао. Китоб илмий-таҳлилий саноҳияти, мавзуга янги нуқтан назар ва услуб билан ёндашиши жиҳатидан муҳлисларга муносиб совға бўлди. "Сийёсий-фалсафий таҳлил" дея шарҳ берилган асар ҳозиргача темуршуносликда эришилган муваффақиятларнинг янги саҳифаси, гўё кўз илгамас чўққини кашф қилиш йўлидаги дадил қадамдир.

Мулоҳаза

ТҮЙЛАР – БАХТ ПОЙДЕВОРИМИ ЁКИ БАҲС МАЙДОНИ?

"Битта мулла, уч сўм пул, бир калла қанд"... Бу ибора асрлар давомида халқимизнинг тўй-маросимларга донишмандларча, вазмин ва оқилона муносабатини ифодалаб келган. Муайян ижтимоий-тарихий даврларда бу оддий формула ортқича дабдаба ва исрофдан устун турувчи маънавий покликни, маросимнинг ташқи ялтироқлиги эмас, балки унинг ботиний мазмуни нечоғлиқ муҳим эканини англаган. У асрлар давомида миллатнинг маънавий иммунитетини асраган соддалик ва самимият кодекси эди.

Афсуски, бугунги глобаллашув ва истеъмол маданияти кучайган даврда биз тўйни асл мазмунидан айирдик. Уни кўз-кўз қилиш, сохта шуқуҳ ва намоийиш-корона дабдаба билан алмаштирдик. Аслида, тўй кимнидир ҳайратга солиши ёки ижтимоий устуликни исботлаш мусобақаси эмас. У ниҳод асосидаги оилавий маросим, икки ёш тақдирининг туташуви ва икки хонадоннинг умрбод ришта боғлашидир.

Янги ҳаёт бўсағаси шовқин-сурон, қарз-қавола ва исроф билан эмас, балки сукутли самимият, дуо ва пок умидлар билан бошланиши лозим. Чунки оиланинг қадри қимматбахо ашёлар, дабдабали автомобиллар қарвони ёки тўкин дастурхон билан эмас, балки икки ёшнинг бир-бирига берган аҳду паймони, ота-онанинг чин дилдан қилган дуоси билан ўлчанади.

Бироқ бугунги тўйларимиз бахт рамзи бўлиш ўрнига кимўзарликнинг шафқатсиз майдонига айлиб улгурди. Бу маросимларда оиланинг қувончи эмас, балки молиявий қудрати, рутбаси ва саховати намоийиш этилмоқда. Ижтимоий табақаланиш мана шу тўйлар мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги жамият тўйнинг,

демакки, инсоннинг қадрини ким кўп меҳмон қақиргани, ким қимматроқ тўйхонада жой буюртма қилган, қайси тўйда донгдор санъаткорлар навбатда тургани каби арзон, ўткинчи мезонлар билан ўлчамоқда. Натижада муқаддас қадрият тижорат лойиҳасига, бахт маскани эса сохта обрў ташладиган баҳс майдонига айланди.

Бу мусобақада қандай бўлмасин голий чикиш истаги кўплаб оилаларни имконияти чегарасидан чиққиса мажбур қилмоқда. Одамлар баъзан хорижда йиллаб мусофилик захматини чекиб топган маблагини бир неча соатлик дабдаба эвазига совурмоқда. "Ундан нимам кам?", "Одамлар нима дейди?" каби ҳавойи гап-сўзлар эса бу кимўзарнинг асосий ёнигишга айлиб қолган.

Ваҳоланки, яқин ўтмишимизда тўйлар ҳар бир оиланинг ҳақиқий имконияти ва табиий эҳтиёжларига қараб ўтказилар, орзу-ҳавас ақл ва андиша чегарасидан чиқмас эди. Илгари хонадонлар ўз бюджетига қараб иш тутар, тўйнинг улғуворлигини дастурхонда эмас, маросимнинг мазмуни билан ва маънавий тўкинликда деб биларди. Ҳозир эса вазият тамоман ўзгача. "Бировдан кам бўлмаслик"



кайфияти кучайиб, кўпчилик тўйни ижтимоий босим ва кўрғазма учун ташкил қила бошлади. Замондошимиз ўз чўнтагига, реал шароитига эмас, атрофдагиларнинг эҳтимолий танқиди ва пичинларига қараб режа тузмоқда. Бу эса нафақат иқтисодий босимни, балки маънавий зўриқишни ҳам келтириб чиқармоқда.

Тўй чикими кўп ҳолларда оиланинг келажаги учун зарур уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш ёки бошқа фойдали ўринларга сарфланиши мумкин бўлган ресурсларни сўриб оляпти. Натижада тўй бахтнинг бошланиши ўрнига ота-онанинг имконияти тугаши, ёшларнинг

хотиржамлиги йўқолиши ва қарзларнинг ибтидосига айланмоқда. Айримлар эса ҳатто кредит олиб, бир кечалик шов-шув-лти тўй қилишга уринади. Шу аснода бир кунлик донг таратувчи тўй эгаси узоқ йиллик жабрдийдага айланади.

Яқин кунларда тарқалган бир қисқа видеоларга ҳар қандай инсонни чуқур мушоҳадага тортади. Манзара чекка қишлоқлардан бирида бўлиб ўтаётган тўйдан олинган: ўнлаб жонлиқ сўйилган, дастурхонлар тўла, тўкин-сочинлик гўё ҳашам ва тўқлик намоийишидек. Аммо камера объективи сал нарироқни кўрсатганда, бу даҳмаза ортидаги аччиқ ва аянчли ҳақиқат

аён бўлади: тўй эгасининг ҳам, унга ҳавас қилиб келган қўшниларнинг ҳам уй-жойининг томи шиферланмаган. Кундалик соғлом турмуш учун энг бирламчи эҳтиёж бўлган оддий ҳаммом йўқ, ҳатто ҳовлида яшиллик улашувчи, соя берадиган битта дароҳт ҳам экилмаган! Бу лавҳа бугунги ижтимоий онгимизнинг ташхиси эмасми? Кундалик турмушимизнинг сифатини, фарзандларимизнинг қулайлиги ва соғлиғимизни бир кунлик сохта обрў ва "одамлар нима дейди?" деган ваҳима йўлида қурбон қилмаётишимиз?

Бу муаммони хориждаги ўзбек блогерлари ҳам кўтариб чиқмоқда. Улар бошқа давлатлар тажрибасини мисол қилиб келтиради. Масалан, Эронда ниҳод маросими кўпинча оддий ширинлик, қаҳва ҳамда самимий дийдор билан ўтиб кетаркан. Дунё иқтисодийнинг етакчиларидан бири бўлган Германияда эса тўйлар камтарона "шведча стол" шаклида, беш-олти хил энгил газак ва ичимлик билан, ортқича дабдабасиз ўтказилади. У ерларда ҳеч ким тўйни ижтимоий мақомни кўз-кўз қиладиган мусобақага айлантирмайди.

Инсонлар ўзгаларнинг нигоҳи ва мажбурий қолипи учун эмас, балки ўз эркинлиги, хотиржамлиги ва реал имкониятлари

билан яшайди. Бизда эса вазият мантқ ва соғлом фикр чегараларини аллақачон бузиб ўтган. Айрим тўйхоналаримизда дастурхон тўкинлик ва серолик белгиси сифатида қават-қават қилиб тахланади. Стол устига идишлар ва роз-неъматлар шунчалик тирбанд, палапатриш жойлаштириладики, тақлиф этилган меҳмон бемалол таомлана олмайдди. Ҳатто у ерда ўтиришнинг ўзи машаққатли жисмоний зўриқишга айланади. Кўз-кўз қилиш учун қават-қават қилиб ташланган қимматбахо таомлар, салатлар, пиширчиқлар ва меваларнинг катта қисми ҳатто қўл ҳам тегмаган ҳолатда қолиб кетади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ортиб қолган егуликларнинг тақдирини нима бўлади? Улар чиққиндаги чиқариладими? Бу нафақат исроф, балки увол ҳамдир. Биз бир томонда фарзандларимизга "Нонни ерга ташлама, увол бўлмайди", деб тарбия берамиз, иккинчи томонда эса бир кечда қилолаб егуликни чиққиндаги улуктирадиган маросимларнинг бош ижодкорига айланамиз.

Тўйдаги мезон миқдор билан эмас, меъёр ва ақл билан белгиланса, ортқича манманлик ва риёкорликдан бир оз чекиниб, мўътадилликни танласак, турмушимиз ва руҳиятимиз ҳам ўз-ўзиндан енгилашади. "Одамлар нима дейди?" деган қўрқув билан яшани тўхтатиб, тўйларимизни "одамлар нима деса десин" тарзида ўтказмас, тежалган пулни саломатлигимизга, таълимга, оила фаровонлиги учун сарфласак, шунда ҳаётимиз тўқис бўлади.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, журналист

GAZETA DАGI МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҚЎЛИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер мақсадида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 30166 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов Мусаҳҳис: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 04:37 Тошхирлиди — 04:50